

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 126-133 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТ - САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИ



Қосимов Муҳиддин Одилевич,  
иқтисод фанлари номзоди

Миллий тадқиқотлар университети «МИСИС»нинг Олмалик шахридаги филиалининг “кончилик иши” кафедраси доценти

**Kosimov Mukhiddin Odilovich**

“Candidate of Economic Sciences” assistant professor of the «Mining» Almalyk Branch of NITU «MISIS»

**Аннотация:** Олтин қазиб олиш корхоналарида бошқарув тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таалуқли жиҳатлари кўриб чиқилган. Конларни бошқариш, рудалар қазиб олиш хажмини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга оид таклифлар киритилган.

**Annotation.** Aspects related to the development of production of the management system in gold mining enterprises were considered. Proposals were made to manage mines, increase the volume of ore extraction, improve the quality of manufactured products and ensure their competitiveness.

**Калит сўзлар:** корхона, ишлаб чиқариш, кон саноати, бошқариш тизими, танлов, олтин қазил, бойитиш, металлургик қайта ишлаш, маҳсулот таннархи, самарадорлик.

**Keywords.** enterprise, production, mining, management system, selection, gold mining, beneficiation, metallurgical processing, product cost, efficiency.

Замонавий корхона - юқори самара билан ишлайдиган бошқариш тизимига эга бўлмоғи лозим.

Олтин қазиб олиш корхоналарида бошқарув тизимининг ишлаб чиқаришга таалуқли томони шундан иборатки, у аниқ мақсад сари йўналтирилган, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник, узлуксиз жараён ҳисобланади. Қолаверса, бу жараён турли хил услуб ва воситалар орқали иқтисодий - техник натижаларга эришиш учун амалга оширилади.

Республикамиздаги олтин қазиб олувчи конларда рудалар асосан ер ости усулида ва баъзи конларнинг ер юзасига яқин жойлашган қисмигина очик усулда қазиб олинади. Қазиб олинган рудалардаги оралик маҳсулотлар эса Навоий ва Олмалик кон металлургия комбинатларида бойитиш ва қайта ишлаш жараёнларида тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади.


Амалий фаолият шуни кўрсатмоқдаки, қазиб олувчи кон-металлургия корхоналари қанчалик йирик бўлса (“Навоий КМК”АЖ, “Олмалиқ КМК”АЖ), унинг бошқарув иерархия даражаси ҳам маълум даражада катталашиб бораверади. Таъкидлаш жоизки, унчалик катта бўлмаган олтин қазиб олувчи корхоналарда иерархия даражаси 2-3, ўртача корхоналарда 5-6 ва йирик бирлашмалар ҳамда ишлаб чиқариш комплексларида 10-12 тагача етади.

Чет эллардаги олтин қазиб олувчи корхоналар тажрибаси ва мамлакатимизда бу йуналишдаги амалиёт шундан далолат берадики, раҳбар билан ишчи ўртасидаги бўғинлар 4-5 тадан ошиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ахборотлар ўтиши секинлашади, тезкор қарорлар қабул қилиш муддати чўзилади, бошқарувнинг самараси пасаяди ва унинг ишончлилигига путур етиши мумкин.

Жаҳон амалиётида фирмалар тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ёки уни алмаштириш менежер фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан саналади. Бундай ўзгартиришларнинг бош омили - бу илмий-техника тараққиёти ва ҳар бир соҳадаги кучли рақобат муҳити ҳисобланади. Мисол учун, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларидаги фирмаларда бошқарув структуралари ўртача ҳар 3-5 йилда ўзгартирилиб турилади.

Шундай экан, бошқарув тизими ходими зарур ишчанлик ҳислатларига эга бўлиши билан биргаликда, ташкилий масалаларда ўта билимли бўлиши зарур. Ташкилотчилик қобилияти, янгиликни ҳис қилиши, янги техникавий ва ташкилий ғояларни муносиб баҳолай олиши, уларни қўллашда маҳорат, шунингдек, муҳим ишчанлик ҳислатларидан бири - омилкорлик бугунги кунда менежерга қўйиладиган асосий талаблардандир.

Кончилик ходимлари билан ишлаш тизимининг асосий бўғинларидан бири – бу танлов, унинг тамойиллари, тартиби ва услубларидир. Бошқарув ходимларининг иш фаолиятлари ҳар уч-беш йилда бир марта баҳоланиб борилади. Баҳолаш аттестациядан ўтказиш орқали амалга оширилади. Аттестациялаш жараёнида ходимларнинг касбий маҳоратлари, хулқ - атворига доир масалалар, уларнинг масъуллиги, зиммасидаги ишларга бўлган шахсий жавобгарликлари ва ҳуқуқлари атрофлича инобатга олинади. Кон - саноатида раҳбарнинг баҳолаш мезони муаллиф томонидан ишлаб чиқилиб, қуйидаги расмда ифодаланган.



1-расм. Кон саноатида раҳбарниинг бошқарув субъекти сифатида баҳолаш мезони.

Таъкидлаш жоизки, кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим олиши, касбий маҳоратларини ошириши, хизмат пиллапояларидан ўсиб бориши билан боғлиқ масалалар ишлаб чиқиладиган аниқ технологияларга монанд бўлмоғи зарур.

Раҳбарлик лавозимларга имтиҳонлар, аттестация қилиш ёки конкурслар танловини кенг қўламда амалиётда қўллаш лозим.

Олтин ишлаб чиқариш саноати корхоналари асосан заминимизда мавжуд табиий бойликларни қазиб олиш, бойитиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот олиш билан шуғулланади. Саноат корхоналарини қуйидагилар билан тавсифлаш мумкин: минерал хом-ашё ресурслари, ташқи муҳит билан боғлиқлиги, меҳнатнинг горизонтал тақсимоти, интеллектуал салоҳиятлари, меҳнатнинг вертикал тақсимоти ва ҳоказо. Уларнинг асосий ресурсларини моддий, молиявий, меҳнат, технологик ва ахборот алмашув каби ресурслар ташкил этади, қўйилган мақсадга эришиш учун ҳоқ у қазиб олиш корхонаси бўлсин, ҳоқ қайта ишлаш корхонаси бўлсин, меҳнатнинг вертикал тақсимоти асосида вазифаларни йуналтиришлари лозим бўлади, бунинг натижасида эса бошқариш функциялари амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ташкилот фаолиятида бошқариш тизими мажбурий ҳисобланади.

Бошқариш фаолиятида бошқарув функцияси раҳбар - менеджерлар томонидан ижро этилади. Олтин қазиб олиш саноатида бошқарув - режалаштириш, таҳлил қилиш, қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат олиб бориш каби функциялардан иборат бўлган ташкилотнинг асосий мақсадини амалга оширувчи жараёнлар сирасини ташкил этади.

Йирик ва мураккаб корхоналарда (Навоий КМК ва Олмалик КМК) ходимлар ким томонидан қандай топшириқ олишларини аниқ билишлари лозим, чунки бу каби корхоналарда бошқариш функциялари жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Шу туфайли ҳам ҳар бир бўлим ва бўлинмаларга, цех ва участкаларга бошлиқлар тайинланиб, уларнинг фаолият юритишларидаги вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари аниқ белгилаб қўйилади.

Меҳнатнинг горизонтал тақсимооти эса - олтин ишлаб чиқариш саноати корхоналарида бўлим ва бўлинмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу бўлим ва бўлинмаларнинг мутаносиб ишлашлари учун улар орасида йўналтириш ишларини олиб бориш зарурати юзага келади. Натижада бошқарув функциялари пайдо бўлади, Уларнинг вертикал тақсимооти натижасида бошқарув поғоналари ташкил этилади. Бошқарув поғоналари ўз навбатида юқори, ўрта ва қуйи поғоналарга бўлинади. Юқори поғонада ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари каби менеджерлар бўлса, ўрта поғонада бўлимлар бошлиқлари, мутахассис ходимлар, қуйи поғона ходимларини эса - кон усталари (мастерлар), смена бошлиқлари ташкил этади.

Ўрта ва қуйи поғонадаги раҳбарлар маълум турдаги ишларнинг ташкилотчиси сифатида фаолият юргизадилар. Уларнинг бурчига умумий иш режасини тузиш, ишлаш учун меҳнаткашларни йўналтириш, ишга раҳбарлик, ишлар уйғунлигини мувофиқлаштириш, ҳамда қилинаётган ишлар юзасидан назорат олиб бориш кабилар киради. Меҳнат ресурсларини бошқаришнинг асосий мақсади ходимлар ва ишчиларнинг қобилиятларини янада самарали меҳнат қилишга йўналтиришдан иборат. Ривожланган ҳориж давлатлари ва мамлакатимиздаги амалий фаолият шундан дарак берадики, агар корхона молиявий жиҳатдан бақувват бўлиб, замонавий технологиялар билан қуролланган бўлса ишлаб чиқаришни тактик бошқариш қониқарли, стратегик бошқариш эса истиқболли бўлади.

Мисол учун, бугунги кунда рудалар қазиб олиш, бойитиш ва металлургик қайта ишлаш технологияларининг йилдан йилга такомиллашиб бориши натижасида олтин ажратиш оловчи фабрикаларнинг чиқитлари таркибида 1,0 -0,4г/т олтинли массаларни қайта ишлаш жараёнлари танлаб эритиш, биологик танлаб эритиш, қийин бойилувчи рудаларни автоклав бойитиш усулларида ажратиш олиш орқали амалга оширилмақда. Сўнги 20 йил ичида жаҳонда очик усулда олтин қазиб олиш ишлари салмоғининг 30% дан 70% га ўсиши ҳам соҳанинг жадал ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

1970-1980 йилларда жаҳон бозорларидаги олтин нархининг ўсиш ҳолати кўпчилик давлатларда етарли даражада олтин конлари захираларини қидириб топишни, бу билан саноатнинг ривожланишига, қолаверса дунёдаги етакчи олтин қазиб оловчи компаниялар ўртасидаги рақобат муҳитига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Очик усулда маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғининг ўсиши эса мазкур

компанияларнинг иқтисодий салоҳиятларини ошириш билан бир қаторда конларни рентабелли қазиб олиш имкониятларини янада кўтаришга кенг шароит яратиш берди. Олтин ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнида икки тенденцияни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- биринчиси – геологик-қидирув ишларининг салмоғи ортиб бориши эвазига минерал хом ашё база захираларининг кенгайиб бориши. Бу тенденция ривожланган мамлакатларда, Хитой, Индонезия ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Марказий Осиё давлатларида ҳам кузатилмоқда;

- иккинчи тенденция эса баъзи давлатларда олтин ишлаб чиқаришнинг йилдан йилга пасайиб боришини ифода этади. Мисол учун, Жанубий Африка Республикаси 1970 йилда дунёда ишлаб чиқарилган олтиннинг 66,3% ни, яъни 1000 тонна олтин қазиб олган бўлса, 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 21,1% ни ташкил этди ёки 601 тоннага тушиб, 399 тоннада қайд этилди. Бунинг асосий сабаблари доирасига конлардаги рудалар сифатининг ёмонлашуви, уларда олтин таркибининг камайиб бориши, конларнинг чуқурлашиб бориши эвазига (5000 метрдан юқори) кон техник шароитларнинг ёмонлашиб бориши, ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошириб бориши каби техник-иқтисодий ва шу каби бошқа омилларни таъкидлаш мумкин.

Биз ҳозирда ривожланган давлатлар иқтисодиёти шароитида таркиб топган ижобий ютуқларини ўрганишимиз, ҳамда Республикамиз иқтисодий ривожланишида мавжуд эришилган ютуқлардан миллий хусусиятларимиз ва шароитимизга мос келганларини миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, олтин қазиб олиш саноатида ҳам ҳаётга тадбиқ этмоғимиз даркор.

### Хулоса

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз олтин саноати бошқарувининг ташкилий фаолиятида асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш лозим:

1. Амалиётдан маълумки, ҳар бир корхона олтин қазиб ишлари билан бир қаторда ишдан чиқаётган захира қувватлари ўрнини янги конлар захиралари билан тўлдириб бориш устида изланишлар олиб бориши зарур.

Мамлакатимиз олтин қазиб олиш саноати учун хом ашё базасини тайёрлаш ва уни ривожлантириш учун олиб борилаётган геологик ишлар сифатини доимий равишда юксалтириб бориш, олтин рудали захираларни кўпайтиришда биринчи эътиборни олтин чиқариб олувчи фабрикалар мавжуд районларда амалга ошириш ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган истиқболли захираларни излаб топишдан иборат;

- узоқ муддатга етадиган захираларни топишга йўналтирилган қидирув ишларининг салмоғини ошириш;

- жаҳон бозорларида инвесторларни қизиқтираётган нодир металллар хом ашё базасини яратиш;

- фойдали қазилма конларини ишлаб чиқаришга жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш ва техник-иқтисодий асослаш муддатларини қисқартириш;

- янги юқори унумли бурғиловчи, геофизик аппаратуралар билан қуролланиш.

2. Бозор иқисодиёти шароитида импорт ўрнини босувчи тайёр масулотлар ишлаб чиқаришни жорий этиш ва ассортиментини кенгайтириш мақсадида Олмалик КМК да экспортга йўналтирилган сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар, жумладан, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи завод қурилишини ташкилий тузилмага киритиш лозимлигини таъкидлаймиз. Мазкур таклиф комбинат ташкилий тузилмасининг олтин ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ бўлимда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ бўлади;

Ишлаб чиқариш тузилмасига киритилган бундай ўзгартириш заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришдаги рақобатни кучайтиради, ер ости ва очиқ усулларда рудалар қазиб олиш жараёнларини бир-бири билан бевосита боғлашга қулай шароитлар яратади, қолаверса мавжуд олтин ажратиб олувчи фабрикаларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлашга етарли даражада имкониятлар очиб беради. Шу билан бир қаторда, ер ости фойдали қазилмаларидан комплекс фойдаланиш йўналишида фаолият кўрсатаётган фабрикалар иш фаолиятини янги замонавий технологик линиялар билан қуроллантириш эвазига чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этишдек долзарб масалани ҳал этишга шароит яратади;

3. Барча ривожланган мамлакатларда кичик олтин қазиб олиш корхоналарини ташкил этиш тажрибаси, уларнинг юқори самара билан ишлаши туфайли, кўзланган натижаларга тез орада эришиш мумкинлигидан далолат бермоқда. Мисол учун, 1983 йилда ривожланган давлатларда қазиб олувчи корхоналарнинг умумий сони 7700 бўлса, шулардан 84 % яъни 6500 га яқини кичик қазиб олувчи корхоналарни ташкил этдн. АҚШда 1972 йилда 20 кишини ташкил этадиган корхоналар сони 74%, ёки Колорадо штатида 50 кишини ташкил этадиган корхоналар сони 93% ни ташкил этди.

Шунинг учун ҳам, Республикамизда олтин қазиб олувчи йирик кон металлургия комбинатларини ривожлантириш билан бир қаторда хом ашё базасини ярата оладиган, ҳамда бозор муносабатларига тез мослаша оладиган кичик олтин қазиб олувчи корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш масаласини бугунги куннинг долзарб йўналишларидан бири сифатида эътироф этсак - муболаға бўлмайди. Бундай кичик қазиб олувчи корхоналарни ташкил этишда энг аввало давлат ёндошуви, кредитлар бериш тартиблари, солиқ имтиёзлари ва нодавлат маблағларни жалб этиш механизмларини такомиллаштириш керак бўлади.

4. Жамиятнинг иқтисодий ривожланишида давлатлараро ҳамкорлик алоқалари муҳим ўринни эгаллайди. Бугунги кунда жаҳон тажрибасида янги корхоналарни барпо этиш харажатларини камайитириш мақсадида мавжуд фирмалар ва корхоналарнинг бирлашуви амал қилмоқда. Бунинг натижасида молиявий ресурсларни иқтисод қилиш билан бир қаторда миллий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнларининг такрорланмаслиги таъминланмоқда.

Фирмалараро алоқаларнинг кенгайиши оқибатида ишлаб чиқаришни катта миқёсда бошқарадиган янги бошқарув тури вужудга келмоқда. Бундай бошқарув-технологияларнинг юксалишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, меҳнат шароитларининг яшиланишига, касбий маҳоратнинг ўсишига, самарали

глобаллашув эвазига бозорларни кенгайтишига ҳамда атроф муҳит муҳофазасига ва бошқа бир қанча омиллارга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

5. Саноатда табиий бойликларни ишлаб чиқаришга жалб этиш иқтисодий ўсишнинг асосий омилларида бири бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида бу бойликларни ишлаб чиқариш усуллари ва қайта ишлаш технологиялари ҳам ўзгариб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, олтин қазиб олувчи корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, уларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.

Конларни қазиб олиш жараёнида қилинадиган ҳаражатлар ва олиннадиган фойданинг номуносиват тақсимланиши қуйидагиларда кузатилади:

конларда вақт ўтиб борар экан, янги технологик қарорлар кириб келишига нисбатан кон-техник шароитлар ёмонлашиб боради;

ишлаб чиқаришга табиий - географик омиллари ҳам маълум даражада таъсир этади;

конларни ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурслар нархларининг доимий равишда ўсиб бориши кузатилади. Ана шу нуқтаи назардан, инвестицион лойиҳаларни танлашда олтин қазиб олувчи корхонанинг рентабелли ишлаши учун техника ва технологиялар билан мунтазам таъминланиши ҳамда қазиб олинган рудалардан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш даражасига мувофиқ конларни камида 20 йиллик вақт оралиғида техник-иқтисодий асослаш зарурияти юзага келади. Худди шу хусусиятлар олтин қазиб олувчи корхоналар иш фаолиятидаги иқтисодий самарадорликка катта таъсир кўрсатади ва буларни лойиҳа жараёнида инвестициявий самарадорлигини баҳолашда инобатга олиш талаб қилинади.

Конларни самарали қазиб олиш учун иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш илмий ва амалий вазифа ҳисобланиб, уни ечиш аввало олтин қазиб олувчи корхоналарда қазилган самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Бундай механизм бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг муваффақиятли фаолият олиб бориши билан бирга рудалар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Куликов Г.В. «Японский менеджмент и теория международной конкурентоспособности» -М.: ОАО "НПО "Издательство Экономика", 2000. - 247 бет.
2. Лафта Дж.К. «Эффективность менеджмента организации» Учебное пособие, -М.: Русская деловая литература, 1999-320 стр.
3. Маркова В. Д., Кузнецова С. А. «Стратегический менеджмент» Курс лекций. -М.: ИНФРА - М; Новосибирск: Сибирское соглашение, 2001. - 288 бет.
4. «Основопологающие идеи в Менеджменте». Уроки основоположников менеджмента и управленческой практики: Пер. с англ.- М.: ДЕЛО, 1996. -272 стр.
5. Организация и управление горным производством. -М.: «Недра» 1991,- 368 бет.

6. Самыгин С.И., Столяренко Л.Д. «Менеджмент персонала» : Рекомендовано академией гуманитарных наук РФ в качестве учебного пособия для студентов высших учебных заведений. -Ростов/Д; М.: Феникс, Зевс, - 478 бет.

7. Фосс Г.В. Из истории золотой промышленности . Сборник материалов по геологии цветных, редких и благородных металлов.- М.: «Недра», 1961. -272 бет.

8. Ховард К., Коротков Э. «Принципы менеджмента» Управление в системе цивилизованного предпринимательства: Учебное пособие. -М.: Ин-фра - М, 1996. -224 бет.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

